



Pedagogical and psychological features of developing students' professional communicative competence

Dildora JABBOROVA¹

Uzbekistan State World Languages University

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2023
Received in revised form
15 May 2023
Accepted 25 May 2023
Available online
15 June 2023

Keywords:

developmental competence,
civic competence,
general cultural competence,
linguistic competence,
discourse competence,
pragmatic competence.

ABSTRACT

This article reveals information about the pedagogical and psychological characteristics of the development of students' professional communicative competence. In the article, the concepts of communicative competence, the competence of working with information, competence of self-development as a person, competence of socially active citizenship, general cultural competence, mathematical literacy, competence of using scientific and technical achievements, and competence of using ICT are widely covered.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4/S-pp116-125>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Талабаларнинг касбий коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

ривожлантириш
компетенцияси,
фуқаролик
компетенцияси,
умуммаданий
компетенция,
лингвистик компетенция,
дискурс компетенцияси,
прагматик компетенция.

Ушбу мақолада талабаларнинг касбий коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ҳақида маълумотлар очиқ берилган. Коммуникатив компетенция, ахборот билан ишлаш компетенцияси, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, умуммаданий компетенция, математик саводхонлик, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш компетенцияси, АКТдан фойдаланиш компетенцияси тушунчалари кенг ёритилган.

¹ Senior teacher, Department of Theoretical Aspects of English language, Uzbekistan State World Languages University. E-mail: dildorajabborova@gmail.com

Педагогико-психологические особенности формирования профессиональной коммуникативной компетентности студентов

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

развивающая компетентность, гражданская компетентность, общекультурная компетентность, языковая компетентность, дискурсивная компетентность, прагматическая компетентность.

В данной статье раскрываются сведения о педагогико-психологических особенностях развития профессиональной коммуникативной компетентности студентов. В статье рассмотрены понятия коммуникативной компетенции, компетенции работы с информацией, компетенции саморазвития как личности, компетенции социально активной гражданской позиции, общекультурной компетенции, математической грамотности, компетенции использования научно-технических достижений, компетенции использования АКТ широко охватываются.

Бугунги кунда таълим олувчиларнинг нафақат чуқур билимга эга бўлишлари, балки кўникма малакаларини пухта эгаллаш орқали коммуникатив компетенцияни ривожлантиришлари давр талабига айланди [136.36-б.]. Олий таълим битирувчиларини, яъни бўлажак мутахассисларни тайёрлаш босқичида дастурни ислоҳ қилишда Европа Кенгашининг “Чет тилларни эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрларни (Common European Framework of references) татбиқ этиш билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганишга қўйиладиган талаблар, ўзлаштириш даражасини баҳолаш қоидалари ишлаб чиқилди [1]. Унда чет тилини ўқитишга ихтисослашмаган таълим йўналишларида олий таълимга қабул қилинувчилар учун кириш имтиҳонларида камида В2 даражани ўзлаштиришлари талаб қилиб қўйилар экан, малака талабларида тилга ихтисослашмаган таълим муассасаси талабаларининг касбий тайёргарликлари билим, малака ва кўникмаларига бериладиган талаблар ҳам ўзгарди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичини ислоҳ қилиш, ёшларнинг таҳсил олиши учун барча замонавий имкониятларни яратиш, халқаро стандартларга мос таълим тизимини ташкил қилиш, янгича ёндашувлар, чет эл андозалари асосида дарсларни самарали ташкил этиш орқали ёш авлодни етук мутахассис қилиб тайёрлаш жамиятимизнинг асосий пойдевори эканлиги таъкидлаб ўтилди [8]. Натижада, талабаларнинг хорижий тилда тафаккур қилиш, фикр юритиш, эркин сўзлай олиш қобилиятларини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини шакллантириш, уларнинг тайёргарлигини баҳолаш каби масалалар илгари сурилди. Бу масаланинг умумий тенденцияларда шаклланиши замонавийлик ва ўсиб келаётган ёшларда чет тилига оид малакаларнинг ривожланишида алоҳида аҳамият касб этиб, замонавий тарбия муаммолари билан боғлиқ холда талабаларнинг нафақат ижодий балки нутқий қобилиятларини оширишга хизмат қилмоқда. Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш зарурки, узлуксиз

таълим фаолиятини ташкил этиш жараёнида иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларнинг иқтидорларини янада такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Натижада иқтидорли талаба ёшларни шаффоф аниқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 3 декабрь куни қабул қилинган “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарор иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг илм-фанга бўлган қизиқишларини ривожлантириш борасидаги ислохотларни тизимли амалга оширишни мақсад қилиб қўйди[6].

Бу борадаги имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида инглиз тили дарсларида талабаларнинг касбий коммуникатив компетенциясини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари олий таълимда ўқитишни ташкил қилишнинг шакл ва усуллари 4 та талаблар қўйилади:

- ўқитишни ташкил қилишнинг шакл ва усуллари таълим мазмунини талаба томонидан ўзлаштириб олишга, баркамол авлодни тарбиялаш, миллий истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдириш вазифаларида ёрдам бериш;

- талаба томонидан фан асосларини пухта ўзлаштириш, онгли равишда ўзлаштирган билимларни амалиётда қўллай олишлари учун тегишли билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришга ёрдам бериш;

- ўқитишни ташкил қилишнинг шакл ва усуллари талабаларнинг ёш хусусиятларига мос бўлиши, ўқув фанларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб танланиши ва хилма хил бўлиши;

- ўқитишни ташкил қилишнинг шакл ва усуллари талабаларнинг мустақил фикрлаш фаоллигини ошириши, уларда илмий дунёқараш, иймон-эътиқод, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш.

Шунинг учун, яратилган имкониятлар ва қўйилган талаблар асосида, хориж андозаларини таҳлил қилган ҳолда, юртимизда таълим сифатини юқори чўққиларга чиқаришга компетенциявий ёндашувни таълимнинг ҳар бир босқичида, айниқса, инглиз тили дарсларида жорий этиш мақсад қилиб қўйилди. Талабаларнинг касбий коммуникатив компетенцияси, уларнинг ёши, қизиқиши, талаби, касб танлашга бўлган муносабатини ҳисобга олиб, асосан, олий таълимни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди ва босқичма босқич қуйидаги компетенция турлари инглиз тили дарсларига кириб борди:

коммуникатив компетенция, ахборот билан ишлаш компетенцияси, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, умуммаданий компетенция, математик саводхонлик, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш компетенцияси, АКТдан фойдаланиш компетенцияси.

Европа давлатларида эса биздан фарқли ўлароқ компетенциянинг бошқа турлари ҳам қўлланилади:

она тилида мулоқот қила олиш компетенцияси, чет тилида мулоқот қила олиш компетенцияси, мустақил билим олиш компетенцияси, ташаббускорлик ва тадбиркорлик компетенцияси, ўз маданияти ва қадриятини намоён этиш компетенцияси.

АҚШда эса юқоридаги компетенциялардан фарқли:

танқидий фикрлашни шакллантиришга оид компетенция, дунёда яшай олиш компетенцияси, самарали меҳнат қилиш компетенцияси каби турлари қўлланилиб, олий ўқув юртларида таълим сифатини ривожланишига асос бўлиб, юқори даражаларга олиб чиқилмоқда.

Коммуникатив компетенция ўрганилаётган чет тилида гаплашувчилар билан мулоқот қила олиш қобилияти ҳамда талабаларни тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти билан танишиш орқали ўз мамлакати маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини янада чуқурроқ англаш ва уларни суҳбат қилиш жараёнида кўрсата олишни назарда тутди. Инглиз тилида нутқий маданиятни билиш она тили маданиятига асосланади. Нутқ фаолияти одоб-ахлоқ қоидаларини лингвوماданий нуқтаи назардан ўргатиш инглиз тилида сўзлашувчи инсонлар томонидан қабул қилинган маданий меъёрлар, халқлар томонидан баҳам кўрилган қадриятлар, фикрлаш ва фаолият стереотиплари, нутқий қобилиятларни англашга ёрдам беради.

Бўлажак мутахассисларни тайёрлаш босқичи дастурини ислоҳ қилишда Европа Кенгашининг “Чет тилларни эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрларининг (Common European Framework of References) [1] ўқув фанининг мақсад ва вазифаларида қайд этилишига мувофиқ, коммуникатив компетенцияси ўрганилаётган хорижий тил бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятидир. Ушбу ҳужжатда компетенциялар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

лингвистик компетенция тил соҳиблари билан мулоқот қилиш учун тил материали (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллашни назарда тутди;

социолингвистик компетенция сўзловчининг бирор бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда, керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш имконини яратади. Социолингвистик компетенция ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларини билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда тутди;

прагматик компетенция ўрганилаётган чет тилида коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш ва ҳоказолар орқали мураккаб вазиятдан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутди. Мазкур стандартда дискурс компетенцияси прагматик компетенция таркибига киритилади. Ушбу компетенция оғзаки ва ёзма нутқда фикрларни тегишли тил воситалари орқали ифодалашни назарда тутди;

дискурс компетенцияси оғзаки ва ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмаларини назарда тутди [10].

Тадқиқот материалида лингвистик компетенцияда нутқ фаолиятининг гапириш кўникмасига алоҳида эътибор қаратилди, чунки Олий ўқув юртларида инглиз тили фанининг амалий машғулоти мазмунида қуйидаги вақт тақсимооти белгиланган: гапириш 25%, тинглаб тушуниш 20%, ўқиш 20%, ёзиш 15%,

коммуникатив грамматика 10% ва коммуникатив лексика 10%. Берилган вақт меъёрлари коммуникатив компетенцияга эришиш учун кўпроқ гапириш кўникмасига урғу беришни талаб этмоқда, қолган қобилият турлари чет тили бўйича эгаллаётган билим, кўникма ва малакалар мулоқот жараёни учун таянч вазифани ўтайди. Унинг вазифаларидан бири нутқий фаолиятни ривожлантиришдан иборат деб белгиланган. Демак, коммуникатив компетенцияга эришиш учун гапиришга кўпроқ эътибор қаратилиши аҳамиятлидир.

Гапириш-нутқий фаолиятнинг продуктив (экспрессив) шакли бўлиб, муайян тилдаги лексик, грамматик ва талаффуз ҳодисаларини қўллаб, бирор фикрни изоҳ этиш жараёни ҳисобланади ҳамда у бевосита эшитиш фаолияти билан боғлангандир. Гапириш бошқа нутқ фаолияти турлари билан чамбарчас боғлиқ. Талаба гапириш малакасини қанчалик яхши эгаллаган бўлса, инглиз тилида гапириши ҳам шунча тезлик билан ривожланади. У матн мазмунини қабул қила олмаса, тушунча олмаса, ўқитувчи томонидан берилган маълумотга жавоб қайтариши қийин бўлади. Ўқиш нутқ фаолияти сифатида гапириш билан бевосита алоқадор. Талаба ўқиган маълумот орқали гапиради, маълумот беради. У қанчалик кўп ўқиса, шунча гапириш учун маълумот тўплайди. Ўқиш-гапириш учун маълумот манбаи ҳисобланади [96. 30-б.].

Г.В. Рогова гапириш кўникмасини учта таркибий қисмга ажратган: *лингвистик, психологик ва методологик*. Унинг фикрича:

ЛИНГВИСТИК компонент ўз таркибий қисмига: тил материаллари (фонетик, грамматик ва лексик), нутқий (турли вазиятга оид) ва ижтимоий-маданий элементларни қамраб олади. Чет тилларни ўқитишда нутқий бирликлар мулоқот вазиятига турлича таъсир кўрсатади, яъни тил маданият ва жамият муносабатида намоён бўлиб, миллат маданиятининг манбаи сифатида икки (коммуникатив ва кумулятив) вазифани бажаради [134. 23-б.];

ПСИХОЛОГИК компонент коммуникатив мақсадда ўрганилаётган тил ҳақидаги билим ва кўникмалардан фойдаланишни шакллантиришдир. Чет тилларни ўрганиш жараёнида талабада нутқ механизмлари шаклланади, нутқий кўникмалар тизими ўзлаштирилади;

МЕТОДОЛОГИК компонент ўрганилаётган тилдан амалиётда, яъни мулоқот вақтида (оғзаки ва ёзма шаклда) самарали фойдаланишдир.

Н.И.Жинкиннинг фикрича [39. 432-б.], нутқ гапириш жараёнининг маҳсули сифатида юзага келади. Гапириш тушуниш жараёнида, тушуниш эса гапириш жараёнида шаклланади. Гапириш мураккаблиги жиҳатдан турли даражада, масалан, ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи сўздан тортиб, саволга жавоб қайтариш, предметнинг номини айтиш ва маълум мавзу, режа асосида фикрни оғзаки баён қилишгача бўлган жараённи ўз ичига олиши мумкин [99. 70-б.]. Гапириш мулоқотнинг фаол жараёни бўлиб, у нафақат гапирганда, балки сўзловчини тинглаганда ҳам ўз қийматини йўқотмайди. Н.И. Жинкин ва И.А. Зимняларнинг фикрича [171. 432-б.], гапириш уч қисмдан иборат:

- гапиришга мойилликнинг юзага келиши;
- анализ ва синтез амаллари;
- ижро, баён қилиш жараёни.

Гапиришда ички ва ташқи мотивация муҳим ҳисобланади, мотивацияни эса бирор нарсани гапиришга бўлган эҳтиёж юзага келтиради. Анализ ва синтез фикрни баён этиш жараёнида гапирувчи хотирасида тайёр турган лексик ва

грамматик бирликларни танлаш жараёнидир [171. 70-б.]. Гапиришнинг учинчи босқичи ижро, баён этиш, талаффуз қилиш, ҳосил қилинган грамматик тузилмани ташқи нутқда ифодалашдир [169. 71-б.].

Ў. Ҳошимов, [71. 110–125-б.] инглиз тилида гапириш уч қисмдан таркиб топган нутқий фаолият бўлиб, гапиришга мойиллик (мотивация) ва ахборот бериш, шу жумладан, саволга жавоб қайтариш ёки нонутқий ҳаракат (масалан: илтимос, буйруқ)ни ижро этиш, деб таъкидлайди. Гапиришнинг ушбу қисмида фикр айтиш нияти пайдо бўлади. Парадигматик алоқада ички боғланишли сўзларнинг турли белгиларига биноан таққосланиши кузатилади, яъни бир хил ўқилиш қондасига эга, лекин ёзилишида фарқ қиладиган айрим сўзлар (see–sea, two–too), маъноси яқин (big–large), зид маъноли (go–come) бунга мисол бўлади. Гапиришнинг учинчи қисми ижро этиш: фикрни баён этиш, талаффуз қилишдир. Учала қисмнинг амал қилиши нутқ фаолияти турларидан гапиришни юзага келтиради.

Л.С. Виготскийнинг таъкидлашича [158. 26-б.], бола она тилини онг иштирокисиз ўрганса, чет тилини онгли равишда ўзлаштиради. Она тилида нутқий малака пастдан юқорига қараб борса, чет тилини ўрганиш юқоридан пастга қараб ривожланиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Н.Н.Азизхўжаева, Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: 2004
2. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.:1989
3. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.:1995
4. С.Бозорова, Олий мактабда касбий йўналтирилган ўқитиш технологиялари. – Т.:2006
5. Диагностика умственного развития дошкольников. /Под ред. Л.А.Венгера и В.В.Холмовской. – М.: 1978
6. Илк ёшдаги ўқувчиларга таълим-тарбия бериш. /Л.Н.Павлова таҳрири остида. – Т.: 1989
7. Кан-Калик В.А. Учителю о педагогическом общении. – М.: 1987
8. Б. Фарберман, Янги педагогик технологиялар. – Т.:2000
9. Педагогика. /Н.Ғайбуллаев ва бошқалар. – Т. :2000
10. Ж.Ғ.Йўлдошев, А.Усмонов, Педагогик технология асослари. – Т.:2004
11. Ў.Қ.Толибов, М.Усмонбоева, Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т:2006